

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ СПИРТЛИ ИЧИМЛИККА РУЖУ ҚЎЙГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

*Ҳақбердиева Гуландом Фафур қизи  
ИИБ Академияси 3-босқич курсанти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Профилактика инспекторининг спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш фаолияти ҳуқуқий асослари тўғрисида фикр юритилган ҳамда ушбу фаолият юзасидан кўплаб тушунчаларга таъриф берилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий асослари, зўравонлик, эътиқод қилиш, тинтув ўтказиш, тажовуз, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

Мазкур мавзуда профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий тартибни белгилаб берувчи ҳуқуқий асосларнинг тизими, уларни қўллаш аҳволи таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг истиқлол йилларида барча соҳаларда тинмай ўзгаришларни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга жаҳоннинг кўзга кўринган ва ривожланган мамлакатлари билан турли соҳаларда ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани ва қўйилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Қадимий, бой тарихга эга ҳамда маънавий ва маърифат ўчоғи бўлган Ўзбекистон ўзининг бу томонлари билан дунё халқларини қизиқишини ортирди.

Мамлакатимизда бугунги кунда фуқароларга жуда кўп имкониятлар ва шароитлар яратилиб берилмоқда.

Соғлом ҳаёт тарзини таъминлаш жамиятимизни жисмоний, маънавий ва маданий жиҳатдан таъминлаб бориш мақсадида йрик ижтимоий дастурлар қабул қилиниб ижро қилинмоқда. Хусусан 10 000 қадам лойиҳаси ҳам бунга мисол бўла олади.

**Алкоголь маҳсулоти** бу – коньяк спирти ёки тозаланган этил спиртидан, вино материаллари ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган, ҳажмидаги этил спиртининг улуши бир ярим фоиздан ортиқ бўлган озиқ-овқат маҳсулоти<sup>1</sup>.

Инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаш – бу ижтимоий вазифалардан биридир. Шу муносабат билан, охириги вақтларда давлатимиз раҳбарияти томонидан “Спиртли ичимликка ружу қўйиш, сурункали ичкиликбозлик, алкоголизм” каби салбий ижтимоий иллатга алоҳида эътибор қаратилмоқда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки аҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни. Т., 2011. 6ўша манба.

Маълумки, вояга етмаганлар томонидан спиртли ичимлик истеъмол қилилиниши уларнинг жисмоний ва рухий соғлиғининг ёмонлашуви, маънавий ва ахлоқий сифатларини таназзулга юз тутишига олиб келади.

Мамлакатимиз умумий аҳолисининг **01.07.2021 йил** ҳолатига кўра **34**

**558 891** нафарни ташкил этса, шундан **42 фоизини 18 ёшгача** бўлган болалар, **66 фоизини** эса – **30 ёшгача** бўлган ёшлар<sup>2</sup> ташкил этади. Ушбу қувонарли ҳол айна пайтда, катталар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Шу сабабли сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бир қаторда ёшларни жамиятга мослаштириш, жиноятчиликка ҳамда ёшлар ўртасида спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини тарқатилишига қарши кураш билан шуғулланувчи давлат идоралари ҳамда улар тизимларида тез ва кенг кўламли ислохотлар олиб борилди.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга ошириш фаолиятини тартибга солувчи нормаларга тўхталадиган бўлсак, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш муайян ҳуқуқий асосларга таянади.

Профилактика хизматлари “сурункали алкоголизм, спиртли ичимликка ружу қўйиш ва захарвандлик”ни олдини олшга қаратилган давлат ва ҳудудий бошқа дастурларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Профилактика

хизматлари, хусусан профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар ўртасида нозоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ҳамда бошқалар ўз хизмат фаолиятини оли бориш жараёнида муайян шахсда ғайриижтимоий хулқ-атворни шаклланиши ёки муайян ҳуқуқбузарлик содир этишга “сурункали алкоголизм спиртли ичимликка ружу қўйиш ва захарвандлик”ка мубтало бўлганлиги сабаб бўлаётганлиги ҳамда унга имкон бераётган шарот-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳудудий ички ишлар органлари бошлиғи орқали вазирликлар қўмиталарга эга ИИВ томонидан қонун ҳужжатларида белигиланган тартибда тақдимнома киритади. Спиртли ичимликка ружу қўйиш билан боғлиқ барча муаммолар ва уларни олдини олиш эса албатта халқаро талаблар аосида бўлмоғи лозим. Чунки спиртли ичимликка ружу қўйиш халқаро муаммодир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда жаҳон миқёсида гиёҳванд бангиларини миқдоран қўпаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу боис, иллатнинг олдини олиш халқаро жамиятлар шу жумладан БМТ томонидан ҳам алоҳида эътиборга олинган. 1988 йилда БМТ томонидан қабул қилинган конвенсияси айнан шу мақсадни яъни

<sup>2</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz). Расмий сайти. 01.11.2021

спиртли ичимликка ружу қўйиш воситалари ва психотроп моддаларини гайриқонуний равишда ўтказилиши лозим<sup>3</sup>.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса сифатида таъкидлаш жоизки сурункали спиртли ичимлик истеъмол қилиш, спиртли ичимликка ружу қўйиш жамият ҳаётига катта хавф туғдиради. Бу иллатлар оқибатида эса кўплаб жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилади. Шунинг учун бу иллатларнинг олдини олишда ҳар бир фуқаро ўзининг масъулият ва бурчини ҳис этиши лозим. Яъни, зарур ҳолларда ўз вақтида ички ишлар органларига ичкиликбозлик, спиртли ичимликка ружу қўйиш ва захарвандлик билан шуғулланувчи шахслар тўғрисида ва спиртли ичимликка ружу қўйиш воситаларини тарқатувчилар ҳақида хабар қилишлари лозим бўлади.

Мамлакатимизда ичкиликбозлика қарши курашнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланилмоқда, лекин бу иллатларнинг олдини олишда самарали натижага эришиш учун барча профилактика субъектлари ва давлат органлари, фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги борасида керакли чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки аҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуни
2. [www.stat.uz](http://www.stat.uz). Расмий сайти.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясини криминология дарслиги. Юридик фан доктори К.Р.Абурасулова, Г.А.Аванесов..

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясини криминология дарслиги. Юридик фан доктори К.Р.Абурасулова, Г.А.Аванесов. Т., 2009 й 282-283 б.